

Мусулмонлар АҚШдаги сайловларда мисли кўрилмаган фаоллик кўрсатдилар



15:29 / 12.11.2018 2009

АҚШда бўлиб ўтган оралиқ сайловларида мамлакатда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 95 фоизга яқин мусулмонлар иштирок этишди. Бу ҳақда Америка-ислом муносабатлари бўйича Кенгаш маълум қилди (CAIR). Мусулмонлар ўзларини намоён қила олган оралиқ сайловларини илгари халқаро ОАВлар шунчалик катта диққат-эътибор билан кузатишмаган эди. Юқори қатнашиш даражасидан ташқари икки муслималар биринчи бор Конгрессга сайланишди. CAIR сўровномаларига кўра, 78% мусулмонлар демократик партиёга ва бор-йўғи 17% эса республикачилар партиёсига ўз овозларини беришди.

Islom.uz портали таҳририяти